

Qishloq hayoti

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2019-yil 7-aprel, yakshanba 27 (8994)-son

web sayt: www.qishloqhayoti.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО БАХШИЧИЛИК САНЪАТИ ФЕСТИВАЛИ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

айланган "оммавий маданият", шоу-бизнеснинг салбий таъсири тобора кучайиб бораётган мураккаб замонда ҳар қандай миллий маданиятнинг булоғи бўлган фольклор санъатига эътибор ва қизиқиш, афсуслик, сусайиб бораётгани ҳам сир эмас. Ҳолбуки, фольклор санъати, таъбир жоиз бўлса, бу – инсониятнинг болалик кўшиғидир.

Мана шундай ноёб ва буюк санъат бугунги кунда шунчаки маданий ёдгорлик намунасига айланиб, кўп жойларда унутулиб кетаётгани, ҳимоя ва муҳофазатга муҳтож бўлиб тургани – бу ҳам давримизнинг аччиқ ҳақиқатидир. Бу ҳақиқат ушбу гўзал ва бетакрор санъатнинг чинакам фидойилари сифатида сиз, азизларни ҳаммадан кўра кўпроқ ташвишга солаётганига ишонаман.

Шу сабабли тенгсиз маънавий бойлигимиз бўлиши мумтоз санъатни, халқ ижодининг нодир намуналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, уни келгуси авлодларга безавол етказиш жаҳондаги илғор фикрли олимлар ва санъаткорларнинг, давлат ва жамоат арбоблари, барча маданият аҳлининг эзгу бурчидир.

Шу маънода, биз халқ ижодиёти-ни, турли ўлкаларда бахши, жиров, оқин, манасчи, шоир, ошиқ каби номлар билан аталадиган, ўз тимсолида ҳам шoirлик, ҳам созандалик, ҳам хонандалик маҳоратини мужассам эътибор инсонларнинг нодир истеъдодини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз зарур. Бугун ўз ишини бошлаётган Халқаро бахшичилик санъати фестивали айнаи шундай улкан ва муҳим мақсадга қаратилганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Бу борада, аввало, бахшичилик санъатининг илмий-назарий ва амалий асосларини чуқур ўрганиш ва мустаҳкамлаш, уни миллий маданиятнинг ўзига хос "ташриф қоғози"га айлантириш учун биргаликда жиддий иш олиб боришимиз керак. Хусусан, бахшичилик соҳасида шаклланган ижодий мактаблар, "устоз – шогирд" аъёнларини қайта тиклаш ва ривожлантириш, бахши-шоирлар, фольклоршунос олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларнинг ижодий ва илмий фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантириш, маданият ва санъат муассасалари қошида бахшичилик тўғрисидаги таълим, бахши-шоирлар ижодига кенг йўл очиб бериш, тўй-томшалар, турли байрам ва маданий тадбирларда уларнинг доимий иштирокини таъминлаш, шу йўналишда

халқаро ҳамкорликни кучайтириш, ўзаро тажриба алмашишни йўлга қўйиш, бахшичилик санъатини кенг тарғиб этиш учун ахборот-коммуникация технологияларидан, телевидение ва интернет имкониятларидан самарали фойдаланиш, фольклор асарларининг аудио ва видео вариантларини кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

Агар биз бу ноёб санъатни сақлаб қолиш учун бугун барчамиз биргаликда ҳаракат қилмасак, эртага, афсуслик, кеч бўлади, келгуси авлодлар, тарих бизни кечирмайди.

Бу борада Ўзбекистонда кейинги йилларда амалга ошириладиган ишлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз.

Ўртада халқ ижодиёти асраб-авайлаш ва юксалтириш мақсадида машҳур "Алпомш" достонининг минг йиллиги кенг нишонланди. Бугун биз тўпланиб турган мана шу гўзал майдонда бу улуг бадиий обида шарафига мухташам ҳайкал ўрнатилди. Самарқанд шаҳрида атоқли бахшиларимиз хотирасига бағишланган ёдгорлик мажмуаси бунёд этилди. Давлатимиз томонидан "Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиши" фахрий унвони таъсис қилинди.

Термиз шаҳрида янги ташкил этилган бахшилар мактабиде, республикамиздаги болалар мусика ва санъат мактаблариде юзлаб ёшларимиз миллий фольклор санъатини меҳр қўйиб ўрганмоқдалар. Юртимизда 100 томлик "Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари" мажмуаси нашр этилмоқда. Унинг 59 жилди айнан халқ достонларидан иборат эканини қайд этиш лозим. Шунингдек, кўп томлик "Қорақалпоқ фольклори" тўплами ҳам чоп этилди. Буларнинг барчаси ушбу нодир санъат маънавий ҳаёти-мизда бениҳоя муҳим ўрин туттишдан далолат беради.

Шу билан бирга, бахши-шоирлар томонидан ижро этилаётган асарларни ёзиб олиш, уларни илмий ўрганиш ишлари мунтазам давом этмоқда. Соҳага оид китоб ва альбомлар, фильмлар ва телекўрсатувлар яратилмоқда. Бахшиларимиз халқаро кўрик-танловларда, хорижий давлатларда ўтказиладиган Ўзбекистон маданияти кунларида муносиб иштирок этиб келаётгани эл-юртимизни мамнун қилади.

Албатта, бундай ютуқлар ўз-ўзи-дан, бўм-бўш заминда пайдо бўлган эмас.

Ўзбек бахшичилик мактаби дунёга Эргаш Жуманбулбул ўғли, Ислоҳ шоир, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир, Бола бахши, Эсемурат жиринов, Шерна бахши, Мардонакул Авлиёқул ўғли, Қодир бахши Раҳимов сингари машҳур намоёндаларни бергани билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Бугунги кунда ана шу ижодий аъёнлар уларнинг издошлари бўлиши Шомурод Тоғаев, Шоберди Болтаев, Абдуназар Поёнов, Қўшқор ва Абдимурод Раҳимовлар, Қаландар бахши, Гулнара Аллембергенова, Ғайратдин Отемуратов, Шодмон Хўжамбердиев, Илҳом Норов каби ўнлаб истеъдодли ижрочи йилларда амалга ошириладиган ишлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз.

Ўшбу кувончли айёмда бахшичилик санъатини илмий ўрганишдек муҳим ишга катта ҳисса қўшган атоқли шоир Ҳамид Олимжон, Ҳодӣ Зариф, Музайяна Алавия, Мансур Афзалов, Буюк Каримий, Зубайда Хусайнова сингари фан арбобларининг хотирасини ҳурмат билан ёд этамиз. Бугун уларнинг ишларини муносиб давом эттираётган Тура Мирзаев, Жалғас Хушнӯёзов, Сафарбой Рўзимбоев, Шомирза Турдимов, Маматқул Жўраев, Тоштемир Турдиев, Жаббор Эшонқулов ва бошқа жонқуяр олимларимизнинг номларини миннатдорлик билан тилга оламиз.

Айнаи пайтда ўзбек миллий фольклор санъатини чуқур ўрганиб, уни дунё миқёсида кенг тарғиб этиб келаётган корейлик Инг-Ёнг О, германиялик Карл Райхил, туркиялик Фикрат Туркман, Селами Фидакор сингари хорижий олимларга самимий раҳмат айтаман.

Қадрли фестивал иштирокчилари!

Биз ушбу нуфузли анжумани айнан кўхна ва навқирон Сурхон ўлкасида ўтказиладиганимиз бежиз эмас, албатта.

Сурхондарё деганда, аввало, улуг азиз-авлиёлар, алломаларга ватан бўлган, мард ва олижаноб, ориятли эл яшайдиган табаррук замин кўз ўнгимизда намоён бўлади. Кўхна Зарутош ва Тешиктош горлари, Боботоғ ва Бойсўндаги петроглиф расмлар, Бактрия ва Кушон каби давлатлар, Далварзинтепа, Кампиртепа, Холчаён сингари ноёб ёдгорликлар бу заминдаги қадимий цивилизация ва маданиятдан гувоҳлик беради.

Воҳанинг гўзал табиатини, Олтинсой, Сангардак, Хонжизза, Сайроб, Дарбанд каби сулув гўшаларини бир бора кўрган, беповён қир-адир-

ларда бахшилардан дoston ва термалар тинглаган инсон бу диёрга умрбод мафтун бўлиб қолади.

Сурхондарё – азалдан бахшилар юрти сифатида ном қозонган. Мамлакатимизнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах, Хоразм вилоятлари билан бир қаторда Сурхондарё, хусусан, Шеробод дoston-чилик мактаби бугун минтақамизда маълум ва машҳур.

Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан Сурхондарё Ўзбекистоннинг энг обод худудларидан бирига, замонавий илм-фан, маданият ва туризм масканига, мана энди халқаро бахшичилик санъати марказига айланиб бораётгани барчамизни қувонтиради.

Санъат ва мусиқани чин дилдан севадиган, ижод аҳлини юксак қадрлайдиган Сурхон эли ушбу анжумани катта шоду хуррамлик билан кутиб олмақда.

Бугунги давраимизда жаҳоннинг узоқ ва яқин мамлакатларидан ташриф буорган ўнлаб машҳур бахшилар, фольклор гуруҳлари, соҳанинг жонқуяр намоёндаларини қўриб турганимиздан гоё турсандимиз.

Келинлар, азиз дўстлар, уларни чин қалбимиздан қўллаб, барчаларига ижодий ютуқлар тилаб, ҳурмат ва олқишларимизни изҳор этайлик! Ҳурматли юртдошлар!

Азиз меҳмонлар! Сизларнинг иштирокингизда очилаётган ушбу фестивал дунёдаги энг нуфузли санъат анжуманлари қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллайди, деб ишонаман.

Бахшилар нафақат халқ ўтмишининг акс-садоси, айнаи пайтда бугунги куннинг ҳам жарангдор овозидир.

Гўзал юртимиз ҳаёти билан танишган сиз, азизлар ўз фикр ва туйғуларингиз ҳақида, бағрикенг ва меҳмондўст халқимиз, унинг маданияти ва бетакрор қадриятлари ҳақида янги-янги қўшиқ ва дostonлар яратишингизга тилақдошимиз.

Фестивал доирасида ўтказиладиган халқаро илмий-амалий конференция ишга ҳам муваффақиятлар тилайман.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда қатнашаётган хорижий давлатларнинг мухтарам элчиларига, халқаро ташкилотларнинг вакилларига самимий миннатдорчилик билдираман.

Азиз ватандошлар! Бугунги санъат ва нафосат байрамини баланд савияда ўтказиш учун астойдил меҳнат қилган барча-барча инсонларга, меҳмондўст ва олижаноб Сурхондарё аҳлига чин юракдан ташаккур билдиришга ижозат этгайсиз.

Барчангизга сийҳат-саломатлик, оилавий бахт, янги ютуқлар ёр бўлсин!

Эътиборингиз учун раҳмат.

Термиз шаҳрида ўтказиладиган Халқаро бахшичилик санъати фестивали доирасида "Жаҳон цивилизациясида бахшичилик санъатининг ўрни" мавзуда халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

ДУНЁ ТАМАДДУНИДА БАХШИЧИЛИК САНЪАТИНИНГ ЎРНИ

Унда маҳаллий ва хорижий олимлар, мутахассислар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Б.Сайфуллаев ва бошқалар мамлакатимизда халқ оғзаки ижодини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга давлат даражасида қаратиладиган эътибор ноёб санъатимизни улуғлаб, халқимиз, айниқса, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Президентимизнинг 2018 йил 1 ноябрдаги "Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида"ги қарори бу борадаги эзгу ишларни янги босқичда давом эттиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Анжуманда Франция, Болгария, Россия, Жанубий Корея, Молдова, Туркия, Эрон каби давлатлардан келган фольклоршунос олимлар, илмий тадқиқотчилар иштирокида бахшичилик ва дostonчилик санъатини ривожлантириш, халқ оғзаки ижоди дурдоналарининг Шарқ ва Ғарб маданияти, санъатидаги ўрни ва аҳамиятини янада ошириш, ўзбек ва бошқа халқлар дostonларини илмий ўрганиш, ўзаро ижодий ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш каби долзарб масалалар муҳокама этилди.

Халқаро конференцияда "Бахшиларнинг эстетик қарашлари", "Марказий Осиёда номоддий маданий мерос бўйича халқаро ҳамкорлик: минтақада ИСНСАР билан муштарак ишлар мисолида", "Жангарчи – "Жангар" қалмиқ қаҳрамонлик дostonи айтувчиси, сақловчиси ва оммалаштирувчиси", "Туркий эпосда дoston айтиш санъатининг бадиий ва вақтга оид контексти", "Муғул ва ўзбек тилларидаги эпосларнинг терминологик томонлари", "Номоддий маданий мерос муҳофазаси бўйича конвенция рўйхатлари эпик мероси: Ўзбекистон эпик мерос элементлари", "Қирғиз элининг айтишув санъати", "Подшоҳ ва Лала ёки Дахрил ва Зюфрем" гагауз дoston эпоси тикланиши", "Тожиқларнинг эпик ижоди: ҳозирги ҳолати, сақлаш ва ривожланиш муаммолари" каби мавзуларда маърузалар тингланди. (Давоми 4-саҳифада)

Хоразм вилояти ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Хоразм вилоятида жорий йилнинг 5-6 апрель кунлари "Хоразмда инвестиция киритиш" шиори остида халқаро инвестиция форуми бўлиб ўтди.

Биринчи бор ўтказилган форумда Хитой, Россия, Франция, Саудия Арабистони, Малайзия, Озарбайжон, Баҳрайн, Туркменистон каби дунёнинг 20 дан ортиқ давлатидан 100 дан зиёд компания вакиллари иштирок этди. Шунингдек, форумда БМТ Тарақиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва Европа тикланиш ва тарақиёт банки вакиллари қатнашди.

Халқаро анжуманининг очилиш маросимида мамлакатимизда кулай инвестиция муҳитини яратишга алоҳида эътибор қаратиладигани, хорижий инвесторлар учун имтиёзлар берилдигани таъкидланди. Иштирокчиларга Хоразм вилоятининг иқтисодий салоҳияти, ички имкониятлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Халқаро нуфузли ташкилотлар ва дунёнинг етакчи компаниялари вакиллари форум борасидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

– Мен Ўзбекистонда аккредитациядан ўтганимга бир неча кун бўлди. – дейди БМТ Тарақиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Матилда Димовска. – Мен учун мамлакат худудлари билан танишиш Хоразм диёридан бошланганидан жуда хурсандман. Чунки ушбу воҳа ўзининг бой тарихи билан Марказий Осиёда алоҳида даврага эришган эга. Форум жуда яхши ташкил этилган. Бир неча давлатларнинг кўзга кўриган компаниялари бу ерда иштирок этмоқда. Уйлайманки, форум доирасида олиб бориладиган ҳамкорлик музокаралари Хоразм вилояти учун жуда катта фойда келтиради. Халқаро форум шуъбаларга бўлиган ҳолда ишини давом эттирди. Қишлоқ хўжалигида инновацияни ёндашувларни ишга солиш – пахтачилик кластери, замонавий гидророник иссиқхоналар, интенсив боғлар, логистика марказларини қуриш, шунингдек, чорвачилик, бадиқчилик ва паррандчилик кластерларини ташкил қилиш борасида маҳаллий ҳокимлик, тегишли бошқарма ва ташкилотлар хорижий инвесторлар билан қатор келишувларга эришди. (Давоми 2-саҳифада)

ДУНЁ БАХШИЛАРИ НАВОЛАРИ АМУДАРЁ УЗРА ТАРАЛМОҚДА

Термиз шаҳрида 6 апрель кун Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Жаҳон тамаддуни бешикларидан бири бўлган қадимий Термиз миллий руҳда байрамона безатилган. Нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунёда илк марта ўтказиладиган Халқаро бахши-



Сўлим бог-роғлар, хиёбонлар, кўча ва майдонларда қадимда шаклланиб, асрлар давомида сайқал топган миллий қадрият ва урф-одатларимиз, бахшиларимиз сиймолари акс этган паннолар ўрнатилган. Жаҳоннинг турли минтақаларидан келган меҳмонлар юзидаги кувонч ва самимий муносабат Сурхондарё воҳасида миллий ўзлигимизни кенг намоён этадиган, дунё халқларини қадим қадриятларни улуғлашга чорлайдиган, ягона мақсад, ягона маслак сари бирлаштирадиган улуг байрам бошланаётганидан дарак беради. (Давоми 2-саҳифада)

(Боши 1-саҳифада)

Асрлар давомида ҳаётнинг турли синовларидан ўтган бу қадимий юртининг юксалиш йўллари гаувоҳ бўлиб келаётган Амударё бўйига оқшом чўқади. Мухташам Санъат саройи ҳудудидagi 32 гектарлик майдонда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларнинг ўтмишдаги турмуш тарзи ҳамда бугунги обод ва фаровон ҳаёти ўз ифодасини топган этнографик шаҳарча барпо этилган.

Шаҳарчадаги мўъжаз сахналарда театрлаштирилган томошалар, фольклор-этнографик жамоаларининг чиқишлари намойиш этилмоқда. Хорижлик сайёҳлар хунармандлар кўргазма-ярмаркаларида қадимий сўзана ва либослар, гиламлар, миллий чолғулар, сопол буюмлар намуналари билан танишиш, юртимизнинг туризм салоҳиятига бағишланган меҳмон уйларида оилавий маросимларни кўриш имконига эга бўлади.

Президентимизнинг 2018 йил 1 ноябрдаги "Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида"ги қарори ва ушбу санъат анжуманини Термиз шаҳрида ўтказиш бора-сидаги ташаббусидан кейин вилоят марказида қисқа фурсатда улкан ишлар амалга оширилди. Жумладан, 80 миллиард сўмдан ортқ маблағ эвазига Термиз аэропортининг янги биноси қурилди. Термиз темир йўл вокзали тубдан таъмирланиб, меҳмонлар учун янада қулай шарт-шароит яратилди.

Икки йилда бир марта ташкил этиладиган фестивалнинг асосий тадбирлари ўтадиган Санъат саройи ҳудудига замонавий йиғма сахна барпо этилиб, кенг майдонга халқимизнинг улғу маънавий обидаси – "Алпомиш" достони шарафига муаззам ҳайкал ўрнатилди.

Соат 18.40. Термиз, мухташам Санъат саройи майдони.

Маҳобатли амфитеатр теграсида иштирокчи давлатлар байроқлари ҳилпирайди. Саҳна ортида ўзига хос декорацияда қад кўтарган Қўҳтанг тоғлари бизни ҳаёлан Алпомиш замонида етаклайди.

Анжуман иштирокчилари ва томошабинлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни қарсақлар билан қутиб олади.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга берилди.

Давлатимиз раҳбари фольклор санъати, таъбир жоиз бўлса, инсониятнинг буюк ва бебаҳо бойлиги эканини, мана шундай ноб санъат айни пайтда шунчаки маданий ёдгорлик намунасига айланиб, кўп жойларда унутилиб кетаётгани, уни химоя қилиш бугунги авлодлар учун ҳам фарз, ҳам қарз эканини таъкидлади.

Саҳнада сибизга овози янграйди. Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг очилишига бағишланган театрлаштирилган концерт дастури бошланади.

Концерт дастури изчил ривожланиб борадиган композиция, учта асосий бўғиндан иборат ўзига хос яхлит дoston асосига қурилган. Ранг-баранг бахшичилик санъати, мумтоз мақомлар ва замонавий оҳанглар уйғунлашган наволар, халқ дostonларидан парчалар, нафис термалар янграйди. "Алпомиш" достони воқеалари гавдалантирилган театрлаштирилган томошалар намойиш этилади.

Президентимиз гоёси асосида Алпомиш ва Барчинолар юртида ўтказилаётган халқаро фестивал ўтмишда ҳам маданияти, санъати ва илм-фани юксак даражада ривож топган Ўзбекистонни жаҳонга танитишда янги саҳифа очиб бераётгани биз, бахшиларга ўзгача руҳ ва илҳом бағишлади, – дейди Ўзбекистон халқ бахшиси Абдуназар Поёнов. – Минг йиллардан бунён яшаб келаётган ноб санъатимизни ҳозирги глобаллашув даврида ўз холича асраб, келгуси авлодларга безавол етказишга алоҳида эътибор қаратаётган давлатимиздан беҳад миннатдоримиз. Биласизми, бахшичиликнинг энг шарафли ва масъулиятли жиҳати шундаки, бир дostonни бошидан охиригача қуйлаш учун унинг ҳажмига қараб, бир кундан беш кунгача вақт керак бўлади.

ДУНЁ БАХШИЛАРИ НАВОЛАРИ АМУДАРЁ УЗРА ТАРАЛМОҚДА



ди. Мен ўзим севиб қуйлайдиган "Алпомиш" дostonини уч кечаю кундузда мукамал айтиб бера оламан. Бу фестивалда биз дунёнинг турли давлатларидан келган ана шундай чечан жиров, оқин, манасчи, тўлчи, узан ва бошқа бахшилар билан баҳслашамиз.

Фольклоршунослар фикрича, мамлакатимизда қадимдан уч йўналишда дostonчилик мактаби ривожланган. Булуғур, Нарпай, Нурота, Қўргон, Шахрисабз, Қамай, Шеробод мактаблари биринчи йўналишга, Хоразм дostonчилик мактаби иккинчи йўналишга мансубдир. Учинчи йўналиш Фарғона водийсида кенг тарқалган. Бу санъатнинг ўзига хос жиҳати шундаки, биринчи йўналишда бахшилар дostonларни дўмбира жўрлигида бўғиз овозда, Хоразм ва Фарғона йўналишларида тор, дотор ва бошқа мусиқа асбоблари билан очик овозда қуйлаб келган.

Нафис миллий маънавий бойлигимизни чуқур тарғиб қилаётган бахши-шоирлар хизматини муносиб рағбатлантириш мақсадида "Ўзбекистон халқ бахшиси" унвони таъсис этилди. Ўтган йилларда мамлакатимизда 28 бахши-шоир "Ўзбекистон халқ бахшиси" унвони билан тақдирланди. Уларнинг тўққиз нафари сурхондарёлик экани, бир нафар ёш бахши "Ниҳол" мукофоти совриндори бўлгани ҳам соҳа фидойиларига қаратилаётган эътиборнинг ёрқин намунасидир.

Қорақалпоғистонда жировчилик ва бахшичилик икки йўналишда ривожланган, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси халқ жироиви Бахберг Сиримбетов. – Жировлар қахрамонлик, ботирликни авж пардаларда қуйласа, бахшиларимиз ишқ-муҳаббат ҳақида дostonлар айтган. Иккала мактабда ҳам жаҳон эпик меросининг ноб хазинасини бойитган нафис дostonлар яратилган. Бугунги кунда ҳар икки йўналиш бўйича бахши-жировларимиз "устоз-шоғирд" аъёналарини давом эттирмоқда. Мазкур фестивал қорақалпоқ бахши-жировлари оҳангларини дунёга баралла таратишда катта имконият яратмоқда.

Кейинги йилларда бахшичилик санъатини янги босқичда ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ўз самарасини бермоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ўтган йили Термиз шаҳрида ташкил этилган Бахшилар мактаби ва туманлардаги мусиқа ва санъат мактаблари хузурида фаолият юритаётган бахшилар синфларида 100 дан ортқ истеъдодли ёш таҳсил олаётгани бунга яқол мисолдир. Мазкур таълим муассасаларида ўқитган ёшларнинг вилоятда ўтказилаётган кўрик-танлов ва фестивалларда фаол иштирок этиб, ўз истеъдодини намён эт-

ётгани кекса авлод вакилларида фаҳр-ифтихор туйғусини юксалтирмоқда. Халқ оғзаки ижоди-га ёш авлоднинг бундай интилиши хорижлик меҳмонларда ҳам катта қизиқиш уйғотаётгани бежиз эмас.

– Мен дунёнинг турли давлатларига бориб, турк бахшичилиги намуналарини ижро этмаман. Ўзбекистонга биринчи келишим. Дунёнинг ҳали бирор мамлакатига бахшиларга бу қадар катта эътибор қаратилганини кўрмаганман, – дейди туркиялик бахши (озан) Зеки Эрдали. – Термиз Бахшилар мактаби ҳақида эшитдим. У ерда ўқувчиларга халқ бахшилари дарс берар экан.



Бу ҳавас қилишга арзийди. Юртинизда бахшичиликни келгуси авлодларга етказиш йўлида қуйилган пойдевор бошқа халқлар учун намуна бўлиб хизмат қилади.

Термиз шаҳрида илк марта ўтказилаётган Халқаро бахшичилик санъати фестивали 74 давлатдан 160 дан зиёд иштирокчини Алпомиш юртига чорлагани бежиз эмас. Фестивалда ЮНЕСКО, Ислоом ҳамкорлик ташкилотининг Таълим, фан ва маданий масалалари бўйича тузилмаси – ISESCO каби нуфузли халқаро ташкилотлар, шунингдек, Қирғизистон, Қозғистон, Тожикистон, Туркменистон, Афғонистон каби давлатлардан фаҳрий меҳмонлар иштирок этаётгани унинг юксак мақоми ва нуфузидан далоятлардир.

Фестиваль доирасида Термиз шаҳрида хорижий ва маҳаллий олимлар иштирокида "Бахшичилик санъатининг жаҳон цивилизациясида тугган ўрни" мавзuida илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда АҚШ, Германия, Франция, Россия, Хитой, Япония, Корея ва Туркия каби мамлакатлардан келган олимлар ўз маърузалари билан иштирок этди.

Меҳмонлар тадбир кунлари қадимий воҳанинг ноб археологик ёдгорликлари, диққатга сазовор жойлари билан яқиндан танишади. Дунёга машҳур Ҳаким ат-Термизий, Султон Саодат, Исо Термизий мажмуалари, Фаёзтепа, Камиртепа сингари муқаддас қадимжоларни зиёрат қилади. Жойларда сайиллар, халқ оғзаки ижодида бағишланган саҳналаштирилган дастурлар намойиш этилади.

Халқаро фестивал доирасида бўлиб ўтадиган кўрик-танловда 9 ёшдан 90 ёшгача бўлган бахши-ижодкорлар иштирок этади. Қатнашчилар ижро этадиган дostonлардан парчалар, куй, нағма ва термалар халқаро ҳакамлар ҳайъати томонидан халқ оғзаки ижодининг асп миллий хусусиятлари, бадий-эстетик жиҳатлари, ижрочилик маҳорати, саҳна маданияти ва бошқа мезонлар бўйича баҳолаб борилади. Ғолиб ва совриндорлар махсус диплом, ҳайкалча ва пул мукофотлари билан тақдирланади.

Саҳнада мумтоз куй-қўшиқлар янграйди. Дўмбира, чанқовуз, кўбиз, қил каби созлар жўрлигида дostonлар ижро этилади. Бахши-жировларнинг ширин овози тадбир иштирокчиларига ўзгача завқ улашади.

10 апрелга қадар давом этадиган санъат анжумани бахшичилик ва дostonчилик санъатининг қадимий намуналарини асраб-авайлаш ва келажак авлодга безавол етказишга хизмат қилади.

Мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини янада юксалтириб, гўзал, сержило ва тарихий-мемориал обидаларга бой юртимизни қиёфасини жаҳонга кенг намён этишда муҳим омил бўлади. Ёшлар қалбига бебаҳо меросимизга хурматни кучайтириш, халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорлик, маданий-маънавий муносабатлар доирасини халқаро миқёсда кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари ушбу нуфузли анжуман арафасида қуриб битказилган Термиз халқаро аэропортининг янги терминалини кўздан кечирди.

Кенг ва биланд қилиб қурилган, замонавий техника билан жиҳозланган ушбу терминал

соатига 400 йўловчига хизмат кўрсатиш қувватига эга. Божхона назорати, авиация хавфсизлиги ва бағаж олиш жойларида тезкорликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Қўтиш заллари, СИР зоналар, она ва бола хоналари, намозхона, тиббий пункт ва бошқа бўлимларда йўловчиларнинг барча эҳтиёжлари инobatта олинган. Duty Free дўконлари, бепул Wi-Fi хизмати, чет эллик туристлар учун виза олиш сектори ташкил этилган.

Президентимиз терминалда яратилган шароитларни маъқуллаб, энди бундан самарали фойдаланиш, халқаро рейслар ва чет эллик сайёҳлар оқимини кўпайтириш, хизмат кўрсатиш сифатига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади. Янги учиш-қўниш йўлига барпо этиш лойиҳаси бўйича кўрсатмалар берди.

Президентимиз Сурхондарё вилоятига ташрифи доирасида Султон Саодат мажмуасини зиёрат қилди. Ўтганлар руҳига Қуръон тиловат қилинди.

Сурхондарё бой маданияти ва маърифат учоғи сифатида танилган. Воҳода кўпball азиз-авлиёлар, уламо ва фузалолар мангу кўни топган Термиз шаҳрининг шимоли-шарқий қисмида Султон Саодат (Сайидлар султони) номи билан машҳур меъморий ёдгорлик мажмуаси мавжуд. XI-XVII асрларда қад рoстлаган мажмуа 20 га яқин мақбарадан иборат. Пештоқ ва гумбазли чорсу хонали салобатли иморатлар ўз даврида юксак дид билан безатилган.

Манбаларда қайд этилишича, сўлим ва сокин бу гўшада пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг қизлари Ҳасан ал-Амир мангу кўни топган. Бу улғу эот Термиз сайидларининг султони бўлган.

Мутахассислар фикрича, Ҳасан ал-Амир ўз яқинлари билан Самарқандга кўчиб келган. Бу ерда ўн бир йил яшаб, Балхга кўчди. Тахминан 865 йилда Термизга келиб, яшаб қолган. Вафот этган, шу ерда дафн этилган. Асрлар давомида ушбу мўътабар зотнинг авлодлари учун ҳам бу ерда маҳобатли мақбаралар қурилган. Эндликда меъморий обида мамлакатимиз ва хорижлик сайёҳлар кўп келадиган масканлардан бирига айланган. Улар пайғамбаримиз авлодларининг хоҳини зиёрат қилиб, руҳан қувват олади. Аждодларимиз томонидан турли асрларда яратилган бўртма равоқлар, сержило нақш ва тўлқинли ганч безаклари асосида юксак дид билан ишланган нафис меъморлик санъатидан баҳраманд бўлади.

Тарихнинг гувоҳлик беришича, IX асрда юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшган Термиз сайидлари хонадони шаклланган. Марказий Осиё сайидларининг кўпчилиги ўз келиб чиқиш тарихини шу хонадон билан боғлаш бежиз эмас. Китобларда давлатлар бошқарувида, жумладан, Соҳибқирон Амир Темур салтанати ривожига Термиз сайидларининг алоҳида хизмати борлиги таъкидланган. Соҳибқирон Ҳиндистонга қиришлари чоғида ҳамшиша Термиз сайидлари хонадонига тўхтаб, меҳмон бўлгани қайд этилган. Яна бир манбада Амир Темур Термиз сайидларига алоҳида хурмат рамзи сифатида Султон Саодат мажмуасининг бир қисми ҳисобланган хонақоҳ ҳам бунёд эттиргани, лекин ноб иншоот бизнинг давримизгача сақланиб қолмагани ёзилган.

Давлатимиз раҳбари ушбу қадимон янада обод қилиш, Имом Бухорий, Зангиота каби зиёратчилар кўп ташрифи буюрадиган масканга айланттириш, илмий жиҳатдан ўрганиш юзасидан кўрсатма берди.

Шавкат Мирзиёев Ҳаким ат-Термизий мақбарасини ҳам зиёрат қилди. Юртимизга тинчлик, қут-баракат тилаб дуо қилинди.

Бой тарихимиз, маданиятимиз, хусусан, меъморлик санъатимизни ўзида мужассам этган мазкур мақбаралар, кўтаринки руҳда ўтаётган бахшичилик фестивали юртимизнинг нуфузини асрлар оша янада юксалтиришга хизмат қилади.

МАТНАЗИР ЭЛИМУРDOV,
Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА МАХСУС МУХБИРЛАРИ.

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Боши 1-саҳифада)

– Хоразм қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштиришда жуда катта потенциалга эга ҳудуд экан, – дейди испаниялик инвестор Жоссе Антонио Эстебан Виллегас. – Мен бу ерга 80 миллион доллар инвестиция киритиб, замонавий технологиялар билан жиҳозланган 180 гектар майдонда "Инновацион индустрия" қурмоқчиман.

Форум доирасида ўтказилган "B2B" форматидagi учрашувда Хоразм вилояти ҳокими хорижий компаниялар вакиллари билан суҳбатлашди.

Қишлоқ хўжалиги, саноат, туризм, иқтимоий соҳа йўналишларида 100 дан ортқ истиқболли лойиҳа тақдими, ҳудуддаги корхоналар ва кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган турли махсулотлар ярмаркаси форум иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Форум доирасида иштирокчилар вилоятдаги йирик корхоналар, савдо, туристик ва қишлоқ хўжалиги объектилари бўлиб, уларнинг фаолияти билан танишди.

"Хоразмга инвестиция киритинг" шиори остидаги халқаро инвестиция форуми хорижий давлатлар билан мамлакатимиз ўртасида савдо-иқтисодий, сармоявий алоқаларни ривожлантириш учун кенг имкониятлар очди. Форум доирасида кўпball ўзаро манфаатли келишувларга эришилди.

Форумнинг очилиш маросимида Хоразм вилояти ҳокими Ф.Эрмонов сўзга чиқди.
Аҳмаджон ШОКИРОВ,
ЎЗА МУХБИРИ.

ОРЗУЛАР КЛАСТЕРДА УШАЛМОҚДА

Кўргонтепа туманидаги "KhanTex Group" масъулияти чекланган жамияти таркибидagi кластернинг агрономи Зоиржон Ғафоров устоз кўрган, ернинг тилини тушунадиган мутахассислардан. Кластер раҳбарияти Зоиржонни ана шу хислатлари учун ишга тақлиф қилди.


Андижон вилояти

У аграр соҳада янгилик рўй бераётгани ва унинг эртаси нурули эканлигини англаб, ўша кунидеъ далага чиқиб кетди. Бугун ушбу кластерда минглаб Зоиржон каби етук мутахассислар фаолият кўрсатяпти.

Шу кунларда дунёнинг энг юқори унумли ва замонавий техникалари Кўргонтепадаги кластер техникалари жавлон урмоқда. Ушбу техникалар бир неча операцияларни бир пайтда бажара олиши билан аҳамиятли. Айтайлик, далаларнинг қиялик даражаси бир хил эмас. Лазерли ускуна ўрнатилган 6 та трактор қия ерларнинг нишабини тўғрилаб, кафтдек текис қилади. Шу асосда сувчининг ҳам мушқули осон бўлади.

Ғалла мустақиллиги бошлангандан бунён, бўғдой уруғини экиш эмас, сочиш усули қўлланилмоқда. Хориждан олиб келинган ва бизнинг деҳқонлар "НРУ" деб атайдиган мослама ўғит сочишда, ғалла экишда бир қатор афзалликларга эга эканлигини кўрсатди. "KhanTex cotton" МЧЖ корхонасида кунига 300 тонна тала ва бошқа иккиламчи ма-

қўнат сақлашга имкон яратадиган 76 сантиметрли схема кўллашмоқда. Кластерга келтирилган техникалар сони 234 тани ташкил этмоқда. Улар иш унумини ошириш баробарида қўл меҳнатига барҳам беришга шароит яратяпти. Замонавий техника парки билимдон механизаторлардан 250 кишини доимий иш билан банд қилиш имкониятини яратди. Кластер ҳудудига пахтани етиштириш, қайта ишлаш, ийгириш, тўқиш, буёш ва ундан сўнг, тайёр махсулот ишлаб чиқаришгача бўлган яхлит тизим яратилмоқда. Яқиндагина 2018 йил пахта ҳосилини қайта ишлашнинг дастлабки босқичи ишга туширилди. Тез кунларда иккинчи навбати ишга туширилган, "KhanTex cotton" МЧЖ корхонасида кунига 300 тонна тала ва бошқа иккиламчи ма-



сулотлар тайёрланади. Бугун-эрта йигирув корхонаси ўз фаолиятини бошлайди. Хорижий технологияга асосланган корхонада технология жихозларни ишга туширишда маҳаллий кадрлар фаол иштирок этиши ва касбий кўникмага эга бўлиши. Хуллас, 2020 йил охирига бориб, барча корхоналар ишга туширилади ва 2 минг 500 дан зиёд мунтазам ишчи ўрни яратилади.

Тупроқни бойитишда чорвачиликнинг ўрни беқиёс эканлигини мутасаддилар яқши билади. Кўргонтепада юқори махсулдорликка эга насли қорамолларни парвариш қилиш учун табиий омиллар мавжуд. Айни кунда 2 минг бош қорамол боқиш учун мўлжалланган замонавий чорвачилик фермаси лойиҳаси тайёр бўлди. Ушбу фермага Швейцария ва Голландиядан қорамоллар олиб келинади. Натижада, алмашлаб экиш тизими яратилиб, кластер экин ерлари учун маҳаллий ўғит муаммоси ҳам ечим топади. Сигирлардан соғиб олинадиган сут эса шу жойнинг ўзида қайта ишланади.

Янгиликни жорий қилиш осон эмас. Таъсисчи Зокиржон Набижонов ва ҳамкорлари билимли, изланувчан кадрлар гуруҳини шакллантириш, уларга етарли шароит яратиш устида ишламоқда. Агронормлар, энтимологлар, муҳандислар ва механизаторлар танлов ва синов асосида ишга олинмоқда. Яқиндагина айнан иш фаолияти дала билан боғлиқ мутахассислар учун 33 та автомобиль харид қилинди.

Мамлакатимизда сувдан янада самарали фойдаланиш учун фермерларга давлат томонидан молиявий кўмак бериш тартиби жорий этилмоқда. Айни кунларда исроиллик тадбиркорлар билан гўзани томчилатиб сўғориш усулини жорий этиш бўйича лойиҳалаш ишлари бошланди. Мазкур технология босқичма-босқич барча гўза майдонларига таъбиқ этилади.

Шуқўҳли кунларда далалар ҳар қачонгидан гавжум. Ер текислаш, чигит экиш суръати кун сайин кўтаририлмоқда. Эрта элкан эрта хирмон қилур, деганларидек, 8 минг 136 гектар ерга чигит қадашини барвақтроқ амалга ошириш учун ҳаракат қилинмоқда.

Мухтасар айтганда, кластер усули одамлар онғида ижобий ўзгаришларга олиб келмоқда. Деҳқонларидан ташқари, қарийб 3 мингта яқин иш ўрни яратилиши ҳам туманда иқтимоий ривожланишга ҳисса қўшади.

Қобилжон АСҚАРОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

тайёрланди. "Агроинновация", "Менинг боғим" мавзuida кўрсатувлар ташкил этилди. Аммо минерал ўғит таъминоти бора-сида фақатгина пахта, галла етиштирувчи фермерларгагина фондлар ажратилгани томорқачиларга дўконларимизда эркин ўғит савдосини ташкил этишда муаммоларни келтириб чиқармоқда.

– Бир неча йилдирки, томорқамиздаги экин ва мевали дарахтлардан кўнгилдагидек ҳосил ололмаймиз, – дейди Наманган туманидаги Нурафшон

Фаргона вилояти

"Қорақум" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи аҳолининг аксарияти кўчатчилик билан шуғулланади. Бу маҳалла Қува туманида томорқадан фойдаланиш бўйича кўпчиликини орта қолдиради, десак муболага бўлмайди.

"Қорақум" кўчатларининг харидорлари кўп

Ҳамиджон БУРҲОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

– Қарийб беш минг нафар аҳоли яшайдиган маҳалламизда мингга яқин хонадон, бир минг икки юздан зиёд оила бор, – дейди фуқаролар йиғини раиси Ҳамиджон Турғунов. – Аҳоли тасарруфидagi томорқалар 150 гектардан зиёдни ташкил қиладди. Аҳоли турмуш даражасининг юқорилигига сабаб ҳам оилаларнинг томорқадан олаётган даромадининг кўплигиди. Ҳовлилар ташқариси ҳам мевали дарахт, ичкариси ҳам.

Маҳаллада истикомат қилувчи кўчатчи тадбиркор Ғайратжон Мамадалиевнинг хонадонига борганимизда ердан кўчириб кўйилган кўллаб кўчатларга ва йилган харидорларга кўзимиз тушди. Биз Ғайратжоннинг хонадони деб тахмин қилган уй зоогеостонлик тадбиркор билан тузилган кўшма корхона офиси экан.

– Қарийб ўн йилдан бери кўчат етиштираман, – дейди Ғайратжон. – Ўн гектар ерда боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалигимиз бор. Асосан мева етиштириб, унинг ҳосилини экспорт қилиш билан шуғулланардик. Йилдан йилга харидорлар сонини орттириб бораётиб. Кўчатга эътибор катта ва етиштирилган кўчатлар камлик қилмапти. Шунинг учун соҳани ривожлантирдик. Мевали дарахтнинг ҳамма туридан бор, уларга олдиндан буюртмалар берилляпти.

Сирдарё вилояти

Бу йил бободехқонларимиз Наврўз шодиёнасини далаларда чигит экиш, боғларга ишлов бериш тадбирларини авж олдирган ҳолда қаршиладилар. Чиндан ҳам бу йилги Наврўз ҳам элимизга, ҳар бир хонадонга ризқ-рўз, олам-олам қувонч, янгилини олиб келди. Мўл ҳосил етиштириб, дастурхонларимиз тўкинлигини таъминлаш, юртимиз фаровонлигини ошириш, мамлакатимиз қудратини янада мустаҳкамлашни ният қилган тажрибали деҳқонлар, айниқса, экиш-тиқишни оби тобида, юқори суръатда давом эттирмоқдалар.

Ер етилди, навбат чигит қадашга

Бозорбой БЕКМУРОДОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Жорий йилда 7 минг гектар майдонга "Султон", "Ан-Боёвут-2", "С-6524" каби сертола, истиқболли навларни қаданиш режалаштирган Гулистон тумани деҳқонлари чигит экишга вилоятда биринчилардан бўлиб киришди. Туман далаларида 30 гуруҳга бирлаштирилган 60 та экиш экипажи кучидан тўла қувватда фойдаланиляпти. Экиш даврида бир йўла гектарига 100 килограммдан суперфосфат, 50 килограммдан калийли ўғит солинаётганлиги уруғнинг униб чиқишини тезлаштириш билан бирга, ёш ниҳолларнинг беравж ўсишини ҳам таъминляпти.

Чигит экишни вилоятда биринчи бўлиб бошлаган Комилжон Бекмуродов раҳбарлик қиляётган "Бешбулоқлик Зикиркул туҳфаси" фермер хўжалигидида экиш-тиқишга бағишланган кўрғазмали семинари ташкил этилди. Унда вилоят ва туманлар ҳокимлари, уларнинг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари, секторлар ва соҳага дахлдор вилоят ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди.

Семинар ишини вилоят ҳокими Ғофуржон Мирзаев бошқариб борди ва 2019 йил сирдарёлик деҳқонларга хайрли ва саховатли келиши истгани билдирди.

Мавсумда 1400 та техника воситаси дала ишларига жалб этилиб, 290 та отряд-гурӯх кучлари тибрига 680 та саялка топширилди.

Айни вақтда пешма-пеш етилган майдонларда чигит экилиб, қисқа фурсатда туғаллаш чоралари кўриляпти. Жорий йилда пахта экладиган майдонлар қарийб 30 минг гектарга қисқартирилиб (бу майдонларга бошқа юқори даромад келтирадиган қишлоқ хўжалиги экинлари жойлаштирилган), 72 минг 500 гектар ерга уруғ қадаш белгиланган. Вилоят ҳокимининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Комилжон Собиров майдонларни текислаб, тайёрлаш, дала маданиятига амал қи-

лиш, чигитни 90 лик, 60 лик ва 76 лик схемаларда экишда (агротехник қоидаларга амал қилишда) нималарга эътибор қилиш лозимлиги, сугориш ишларини кўнгилдагидек ўтказиш учун ҳар 50 метрда ўқариқ тортиш кераклиги хусусида экиш гуруҳлари қатнашчиларига зарур тавсиялар берди.

Кафедра текисланган майдонларда экиш гуруҳлари бир маромда ҳаракат қиляпти. Механизатор Салим Ёшбоев, Равшан Жумақуллов, саялкачи Анвар Умарқулловлар уруғни 4-5 сантиметр чуқурликка экишляпти. Уларнинг ғайрат-уруғнинг униб чиқишини тезлаштириш билан бирга, ёш ниҳолларнинг беравж ўсишини ҳам таъминляпти.

Экиш-тиқишда қатнашаётган механизаторлар олдиндан рағбатлантирилиб, уларнинг ҳар бирига мавсумда 1 қопдан ун, 10 килограммдан гуруч, 5 килограммдан пахта ёғи тарқатилганлиги гуруҳ аъзоларини икки навбатда янада унумли ишлашга руҳлантирапти.

– Экин майдонларимиз ўтган йилдагидан 20 кун олдин етилди, – дейди Комилжон Бекмуродов. – Бу йил 40 гектар майдонга "Ан-Боёвут-2" элита нави экишни мақсад қилгандик. Чигитнинг соз тупрок – қумоқ майдонларга ташланаётганлиги унинг унишини янада тезлаштиради. Иш суръатини оширади. Бундан ташқари, 40 гектар майдонда галланин "Андижон-4" нави параваршлаб, гектаридан 50 центнердан ҳосил етиштириш учун курашамиз. Ўқариқ четларига тўлиқ ошқоққ экиб қаддик. Сувчи ва механизаторларимизнинг дам олиши учун дала бошида алоҳида шийпон қуриб, хар хил кўчат ва резаворлар етиштиришни ҳам йўлга қўйдик.

Кўрғазмали семинарда чигит экишни қулай муддатларда туғаллаш, уруғ, ёқилли ва ўғит ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, ҳосил зараркундаларига қарши ҳозирдан қатъий лозимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЭълонлар

Table with 2 columns: Advertisement details and contact information for various companies like 'YAGONA DARCHA MARKAZI' and 'SARDOBA TEXTILE'.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти жамоаси институтининг "Гуманитар фанлар" кафедраси мудири Фаизулло Эрназарова волида муҳтарамаси Зулайхо ЭРНАЗАРОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

"Аъло хизмат"дан ТОМОРҚАЧИЛАРГА АЪЛО ХИЗМАТ

Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.



Мамлакатимизда "Ўзагрокимёхимоя" АЖ тизимидаги корхоналар томонидан яқингача фақатгина пахта ва галлачилик йўналишидаги фермер хўжалиқларигагина хизмат кўрсатиб келинарди. Аҳоли томорқалари эса эътибордан четда эди. Бунга барҳам бериш мақсадида ташкил этилган "Аъло хизмат" сервис отрядлари эндиликда томорқалардаги боғ, экин, унинг атрофидаги майдонларга ҳам зиён етказувчи ҳаҳарот ва зараркундаларга қарши самарали курашишда, томорқадан мўл-кўл, сифатли ҳосил етиштиришда ишончли кўмакчига айланди.

Шу боис ҳам "Ўсимликлар клиникаси"ни ташкил этиш, "Аъло хизмат" сервис отрядлари ва кимёвий воситалар дўконлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга келишиб олинди. Сервис отрядларининг фаолиятини намунали ташкил этиш мақсадида зарур чора-тадбирлар белгиланди. Хусусан, 12

та отряд 12 та ОВХ пуркагичи, 22 та моторли кўл аппарати билан таъминланди. Кунлик назорат ўрнатилди. Мутахассисларнинг билим ва малакасини ошириб бориш, техникалардан унумли фойдаланиш, кимёвий воситалар захирасини яратиш, асосий эътиборни тарғиботга қаратиш, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни кучайтириш, "Фермер, деҳқон хўжалиги, томорқачиларга маслаҳат" рункида тавсияномалар чоп этириш, ҳудуд ва хонадонларда мунтазам семинарлар ўтказиш борасида амалий ишларга киришилди. – "Аъло хизмат" сервис от-

рядларининг тақдими буйича вилоятнинг барча туманларида ва ҳар битта маҳалланинг кўчалари кесимида кўрғазмали семинарлар ўтказилди, – дейди Боғ, ток, аҳоли томорқасига сервис хизмати кўрсатиш бўлими бошлиғи Одилжон Юсупов. – "Наманган Агрокимёхимоя" АЖ туман филиаллари қошида кимёвий воситалар ишлаб чиқарувчи корхоналардан тўғридан-тўғри олинган маҳсулотлар билан савдо қиладиган 12 та "Аъло хизмат" дўкони фаолиятини йўлга қўйилди. Вилоят телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда махсус видеоролик

маҳалласида истикомат қилувчи меҳнат фахрийси Йўлдошали Нишонов. – Бу йил худудимизда фаолият кўрсатаётган "Аъло хизмат" сервис отряди билан шартнома туздик. Бу кўни-кўшнларимизга ҳам маъқул бўлди. Қолаверса, мавсум давомидида томорқамизнинг улар назоратида бўлиши, инсон саломатлигига зиён етказмайдиган биологик усуллар, кимёвий воситалар билан ишлов берилиши, мўл-кўл ҳосил етиштирилишини кафолатляпти. Бу эса "Аъло хизмат"га нисбатан ишончимизни оширди.

Вилоятда жорий йил бошида фермер ва деҳқон хўжалиқларидан ташқари, 431 минг нафар томорқачи рўйхатга олинган бўлиб, улар 19 минг 900 гектарга яқин ерда мева, узум, сабзавот, полиз, дўккакли экинлар ва шифобахш кўчатлар етиштиради. Мавсумда ҳар қарич ердан 3-4 мартадан ҳосил етиштириш, даромадни 2-3 Ҳиссага ошириш мақсадида астойдил меҳнат қиладди. Чунки, уларнинг ёнида энди хизматлари кафолатланган, ишончли ҳамкор – "Аъло хизмат" бор.

Оролбўйи дастурлар оғушида

Шаҳарсозлик

Меъёрлари асосида барпо этилаётган замонавий ва шинам турар жойлар юрт кўркига кўрк қўшапти. Айниқса, ижтимоий муассасаларнинг янги бинолари фойдаланувчилар учун катта туҳфа бўлмоқда. Ўтган йилнинг ўзида 163 миллиард сўм маблағ эвазига 22 та умумтаълим мактабида, 51 та мактабгача таълим муассасида, 22 та соғлиқни сақлаш ва 5 та болалар спорт объектлари қурилиши ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Қорақалпоғистон Республикаси

Бероҳлик ва муҳим вазибаларни белгилаб берган эди. Бу борада жорий йилда 54 та ижтимоий объектда 185 миллиард сўмга яқин маблағ ҳисобига қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб бориш режалаштирилмоқда. Жумладан, 19 та умумтаълим мактабида, 4 та Болалар муҳаббат ва санъат мактабида, 18 та мактабгача таълим муассасида, 11 та тиббиёт муассасида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилади.

Таъкидлаш лозимки, 2019-2020 йиллар мобайнида инвестиция ҳисобидан 11 триллион 282 миллиард сўмлик 793 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилиб, бу борадаги ишлар бошлаб юборилди. Президентимизнинг Оролбўйи, шу жумладан, Мўйноқ тумани аҳолисига бўлган алоҳида эътибори ҳамда ғамхўрлиги натижасида тумани комплекс ривожлантириш дастури қабул қилиниб, 2019-2021 йилларда жами 1 триллион 485

миллиард сўмлик қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилади. Шундан жорий йилда 40 та ижтимоий соҳа объектлари қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилади. Шу йиллар мобайнида туманда сановат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида 75 та лойиҳа амалга оширилади.

– Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 18 январдаги "2018-йилда уй-жой қурилишини ривожлантириш мақсадли дастурларини самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилди, – дейди "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси масъуляпти чекланган жамиятининг Қорақалпоғистон филиали бош муҳандиси Баҳодир Сатуллаев. – Жумладан, ўтган йили 1320 та намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилди. Бундан ташқари, тегишли меъёрий ҳужжат асосида жорий йилда қишлоқ жойларда 746 та арзон уй-жой, шунингдек, ҳарбий хизматчилар учун 2 та 5 қаватли 60 хонадонли, Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчилари учун 1 та 5 қаватли 30 хонадонли ва Ички ишлар органлари ходимлари учун 1 та 5 қаватли 30 хонадонли уйлар қурилиши режалаштирилган. Мўйноқ туманида эса 20 та кўп қаватли уй-жой қурилиши бошлаб юборилди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган иш-лохотлар самарасини Оролбўйи аҳолиси ҳаёти мисолида яққол кўриш мумкин.

ЎЭълонлар

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБнинг "PSB Capital" МЧЖ инвестицион компанияси томонидан Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Қўча дарвоза кўчаси 27-уйда жойлашган "Оқлон" технопарк худудида қурилиш ишлари якунланганлиги сабабли қуриб битказилган бино-иншоотларни (умумий ер майдони 18000,0 кв.м дан иборат 4 та умумий майдони 2.564,0 кв.м. (ҳар бирининг)га тенг ишлаб чиқаришга мўлжалланган бинолар ҳамда ошхона ва трансформатор биноси) назорат ўлчовидан ўтказиш бўйича танлов эълон қиладди. Тижорат тақлифлари ўрнатилган тартибда қуйидаги манзилга 2019 йил 15 апрелга қадар тақдим этилиши лозим: Манзил: Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани Абай кўчаси 10А уй. Мурожаат учун тел.: (97) 731-99-40, (95) 199-04-50. Электрон почта: psb_capital@mail.ru

ЎЭълон

КАРТОШКА ЕТИШТИРУВЧИЛАР УЮШМАСИНИНГ 2019 ЙИЛ АПРЕЛЬ ОЙИДА УЮШМА ТАРКИБИГА КИРУВЧИ ВИЛОЯТЛАРДАГИ КАРТОШКАЧИЛИК МАРКАЗЛАРИДА ЎТКАЗИЛИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛАЁТГАН САЙЁР ҚАБУЛЛАР ЖАДВАЛИ

Table with 6 columns: No, Tashrif sanasi, Uyumma vakillari, Viloyatlardagi markazlar, Markaz direktori, Manzili. It lists various regional potato production centers and their representatives.



Дўмбира

Шодмонқул САЛОМ

Дўмбира, жонимнинг томири,
Отамсан, оғамсан, эгачим.
Кўнглимни қулдириб, қуйдириб,
Кўнглимни энамдай билгичим.

Дўмбира, момолар соғинчи,
Ғамига эш бўлган тилимсан.
Дўмбира, Ойбарчин севинчи,
Алломиш қайтғучи йўлимсан.

Дўмбира, бир қулоч қув оғоч,
Бир кам дунёни тўлдирдинг.
Танимга руҳимни муҳрлаб,
Сўнг яна қайтадан ўқирдинг.

Дўмбира, қўш торинг қўшилса,
Кўнглининг камлари тўлгайдир.
Оламга қўшиқдай сочилган,
Кўнгирут йиғилиб келгайдир.

Дўмбира, юрагим наққоши,
Бир жонни минг чоғга ташлайсан.
Жамики дардингни жамласам,
Дўмбира, ватанга ўхшайсан.

Хўе, бадар қарвонлар қайтандай,
Юракнинг черлари кетгандай,
Қўш торинг қўшилиб айтгандай,
Дўмбира, ватанга ўхшайсан.

Дўмбира, кўнглимнинг ҳовури,
Дўмбира, руҳимнинг шовури,
Дўмбира, боболар қўлида
Номуси – юкининг оғури.

Аввало, бахшичилик фестивали дунё
миқёсида биринчи марта юртимизда,
Юртбошимиз ғояси, ташаббуси
билан ўтказилаётгани, саксонга яқин
мамлакатдан ижодкор – бахши, оқин,
хонанда, кўлаб олим, мутахассис,
журналистлар қатнашаётгани шоян
эътиборга лойиқ.

Ўзимиздан-ку ҳамма вилоятлардан, Қорақалпоғистондан сара ижрочилар – хос кийимлари, чолғу асбоблари билан етиб келишибди. Масалан, Фарғона вилояти вакили 150 киши келганини айтди. Катта-кичик томошабинларнинг эса ҳисоби йўқ. Пойтахтдан, бошқа жойлардан борганларга, қўраган-кечирганларига ҳавас қилаётганимиз, ўзим, асосан, телеэкранда кўрганларим асосидаги таассуротимни газетхонлар билан баҳам кўраётганимиз. Фестивалда қатнашувчилар сони етти ёшдан етмиш ёшгача, десам ҳақиқатга хилоф бўларкан: "Муносабат"нинг Термизда ўтган сайёр кўрсатувидан беш яшар Ғолибжон Орипов уста ясаган янги чолғу асбобини чертиб кўнгируқ овозида дostonдан шундай парча кўйлаб бердики, эшитганлар лол қолди. Саксон олти ёшли бахши бобо Президентимизнинг 2018 йил 1 ноябрда чиқарган қарорини ўн марта ўқиб чиққани, катта маънолар уққанини айтиб, тушунтириб олқишлар олди. Йигирма бир ёшли хушсурат, хушовоз қиз Майсара Раҳимова кўркем миллий либосда жарангдор овози билан бир чимдидан дoston кўйлаб барчани ҳайратга солди. Бахшичилик асосан эркакларнинг машғулотли ҳисобланса-да, ўтмишда хотин-қизлардан ҳам етук бахшилар чиққани маълум. Масалан, ўтмишда "Орзиғул" дostonини ҳеч ким Тилла кампирдан ўтказиб айтолмаган. Афсуски дoston эъзб олинмаган. Фольклорчи олим, шоир Муҳаммадали Қўшмоқов "Чечанликда сўзга сувдайин оқиб" китобида шундай қизиқ бир мисол келтиради. Ўзбек бахшилари билан қозоқ оқинлари азалдан яқин бўлиб, борди-келди қилиб, айтишув, мусобақалар ўтказиб, гоҳ униси, гоҳ буниси ютиб, ютса, ҳаволанмай, ютқазса, малол келмай қадрдонлигини давом эттириб келишаркан. Бир кун қозоқ



Бахшиёна

оқини Қўрағонга равона бўлади, келса қишлоқ қудугидан бир аёл сув тортиб турган экан. Айтишувга ҳозирланиб тўлиб келаётган оқин қамчиси билан Оқтоғга ишора қилиб сўрапти: "Сендан савол сўрайман турган зайип, Ўси турган товларинг неча жасар?" Аёл ени билан оқинни тўсиб, жилмайиб: "Худойимнинг ишин кўр, Фалакнинг гардишин кўр, Мен билмайман ёшини, Оқини очиб тишини кўр" – дебди. Оқин отининг бошини шартта буриб ортага қайтади... У Султон кампирдан енгилган экан".

Халқаро бахшичилик санъати фестивалига Президент қарори чиққан кундан бошлаб, охириги дақиқаларга қадар, беш ош беш кун давомида Сурхонда, Тошкентда, барча вилоятлар, қорақалпоқ элида қизгин тайёргарлик кўрилди. Термиз аэропорти, вокзали таъмирланди, йўллар тартибга солинди, транспорт воситалари тахт қилиб қўйилди, меҳмонхона, янги иншоотлар қурилди, турли хизмат ходимлари, хонандалар, шоирлар, археологлар, музейлар, гидлар, таржимонлар, алоқачилардан тортиб, машшоқлару ошпазларгача шай қи-

Бахшичилик мактаби, ўқувчи, муаллимлари намойиш этилди. Бир ўсмир чанқовуз, най, жами ўн икки асбобда куйлар чалиб берди. Қўшни Афғонистондан келиб таълим олаётган ёшлар вакили ўзларининг санъатини кўрсатишга ҳозирланишаётганини айтишди. "Жаҳон цивилизациясида бахшичилик санъатининг ўрни" мавзусидаги илмий-амалий анжуманга катта тайёргарлик кўрилди. Маматқул Жўраев ва Азамат Ҳайдаровлар тайёрлаган уч жилдлик "Ўзбек халқ дostonлари", Сайфулла Турсуновнинг монографияси, Ўқтам Ҳажимовнинг "Юрагимнинг жўри бўлган дўмбирани" китоби, маҳаллий олим, мутахассислар уч тилда нашр этишган рангли буклетлар, туркум мақолалар, барисини санаб адоғига етиш қийин... Қизиқ воқеалар, зўр чиқишлар, танловлар, мукофот, совринлар олдида...


Бахшичилик тарихига андак назар ташласак. Қомус, лугатларнинг маълумот беришича, В.Жирмунский, Х.Зарипов, М.Афзалов, М.Саидов, Т.Мирзаев, М.Алавия, Б.Саримсоқов, К.Имомов, Х.Раззоқов, М.Жўраев, Ш.Турдимов, Ж.Эшонқуллов, Р.Қодиров

ва бошқа фольклоршунос олимларнинг тадқиқотларига қараганда, бахши мўғулча ва бурятча бахша, бағша – устоз, маърифатчи, санскритча бхикшу – қаландар, дарвеш маъноларини англатаркан. Халқ бахшилари қўшиқ ва дostonларни ёддан куйловчи, ижро этувчи, авлоддан авлодга етказувчи санъаткорлар бўлиб, уларни юзбоши, соқи, сановчи, жиров ҳам деб аташаркан. Бахшилар, асосан, икки тоифага – ижрочи ва ижодкорларга бўлинаркан. Ижодкор дoston ижросида бадиҳа асосида ўзидан ҳам нима-лардир қўшиб ўз вариантини тақдим этишар ("Алломиш" дostonининг 40 га яқин вариант борлигини эслайлик), шу боис уларни шоир деб ҳам аташар экан. Фозил шоир, Эргаш шоир, Исломо шоир, Пўлкан шоир, Абдулла шоир ва бошқалар дoston, терма, қўшиқларни дўмбира, дутор, қўбиз ва бошқа асбоблар жўрлигида ижро этишаркан. Хоразм бахшилари эса асосан дутор, тор, ғижжак, гармон ёрдамида куйлашаркан, баъзан пиёла, ликопча чертиб ҳам айтишаркан. Ўзбек фольклоршуносларида Булуғтур, Нарпай, Қўрағон, Хоразм, Шеробод, Шахрисабз ва бошқа дostonчилик мактаблари мавжуд. Бошқа жойларда ҳам дostonчилик мактаблари бор. Дostonчиликда устоз-шогирдликнинг қатъий талаб-қоидалари бўлади. Устоз шогирдининг камолга етишига амин бўлиб, кўнгли тўлган, мустақил дoston айтишга оқ фотиҳа берган.

Фольклор таназзулга учратилган вақтлар ҳам бўлган. Мустабид замонда бирлик, ахиллик, хур фикрлилик, дўстлик, қардошлик, ҳамкорликни тараннум этган дoston, қўшиқлар коммунистик мафкурага хуш келмаган. Эллигинчи йилларда "Алломиш" дostonига асосис тухматлар ёғдирилган, фидойи инсонлар сазъ-ҳаракати билан бу хуружлар даф этилган қисқа даврни эслайлик! Факат мустақиллик йилларида халқ оғзаки ижодининг жадал ривожланишига барча имкониятлар яратилди. Халқаро бахшичилик фестивали бунга ёрқин мисоллардан биридир.

Азиз газетхон, томошабин, келинг, жаҳон бахшилари куй, қўшиқ, жировларини мириқиб тинглайлик, тенгисиз маҳоратига тан бериб, олқишлар ёғдирайлик!

Сайди УМИРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
ёшлар мураббийси.



“Ўзбекистон” нашриёти ҳам Халқаро фестивалга совға тайёрлади

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги тасарруфидаги "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан "Ўзбекистон бахшилари" номли китоб-мажмуа нашр этилди. Мажмуада юртимизда яшаб ижод қилган бахши-шоир ва оқинларнинг ижодида оид маълумотлар, улар ижро этган термалардан намуналар ва фотосуратлар жамланган.

Хусусан, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Бола бахши, Исломо шоир Назар ўғли, Қодир бахши Раҳим ўғли каби 10 га яқин устоз бахшилар, Шоберди Болтаев, Қаҳҳор Раҳимов, Қора бахши Умиров, Абдуназар Поёнов, Етмишбой Абдуллаев, Гулбахор Аҳимбетова каби 20 дан ортик мустақиллик йилларида "Ўзбекистон халқ бахшиси" фахрий унвони билан тақдирланган бахшилар ҳақида маълумотлар китобдан жой олган. Шунингдек, Феруз Норматов, Илҳом Норов, Жаңибек Пиёзов, Лола Маҳаммаддина, Саламат Аялов каби бахшичилик санъатининг навниҳоллари ҳақида ҳам қизиқарли материаллар ўрин олган.

Фестиваль доирасида хорижий ва маҳаллий олимлар иштирокида ўтказилган илмий-амалий анжуманда "Ўзбекистон бахшилари" китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Гулноза СОАТОВА,
"Qishloq hayoti" муҳбири.



Дунё тамаддунида бахшичилик санъатининг ўрни

У.А. суратлари.

(Боши 1-саҳифада)
Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Тура Мирзаев, жанубий корейлик Сеонг Йонг Пак, россиялик Василий Илларионов, қозоғистонлик Шакир Ибраев ва бошқалар номоддий маданий мероснинг ҳаётимизда тугган ўрни, халқларнинг миллий қадриятларини ривожлантириш ва ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги аҳамияти хусусида атрофлича фикр юритди. Аждодлардан мерос қолган халқ оғзаки ижодини ўрганиш ва ўргатиш юзасидан Ўзбекистонда амалга оширилаётган беқиёс ишларга юқори баҳо берилди.

– Давлатимиз раҳбарининг беvosита ташаббуси билан ўзбек бахшичилик ва дoston-

чилик санъатининг ноёб намуналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, турли халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлашга эътибор янада кучайтирилди. – дейди Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази директори Азамат Ҳайдаров. – Мазкур анжуман ҳам бахшилик ва дostonчилик санъатини ривожлантириш, бу борада ўзаро ижодий ҳамкорликни, маданий-маънавий алоқаларини халқаро миқёсда кенгайтиришга қаратилгани билан иштирокчиларда бой таассурот уйғотди.

Конференция иши "Бахшичилик анъанаси тарихи, назарияси ва ижрочилик маҳорати", "Эпос – халқ маъ-

навий меросининг дурдонаси сифатида", "Бахшичилик санъатининг ҳозирги ҳолати ва уни сақлаш муаммолари", "Эпик мерос этномусикашунослик контекстида" каби мавзулардаги шубъа йиғилишларида давом эттирилди.

Марказий Осиёда қадимдан ривожланган халқ оғзаки ижоди минтақа халқларининг ҳаётий қарашларини мужассам этган. Бахши-дostonчилик унинг энг муҳим тармоқларидан бўлиб, аждодларимизнинг қаҳрамонлик, ватанпарварлик, меҳр-оқибат каби ғояларини тараннум этади. Ўзбекистон ҳудудида шаклланган бахшичилик мактаблари анъаналарини йиллар давомида халқимизни эзгу фазилатлар руҳида тарбиялашга хизмат қилган.

Баҳс-мунозараларга бой бўлган халқаро илмий-амалий конференция иштирокчиларда катта таассурот уйғотди.

– Мен Ўзбекистоннинг номоддий маданий мерос дурдоналари билан яқин танишман. Жаннатмақон бу юртда кўп марта бўлганман. Бахши, оқин ва жировларнинг дostonларни маромига етказиб куйлаганини бу юртда жуда кўп марта тинглаб, ўзгача завқ-шавқ олганман, – дейди Франция Республикаси Илмий изланишлар миллий маркази директори, профессор Жан Дюринг. – Бойсун туманида машҳур бахши Шоберди Болтаевнинг хонишлари мени ўзига мафтун этган. Ўзбек бахшичилик санъати дунёда жуда ноёб йўналиш. Бахшиларнинг дostonларни бўғиз орқали куйлашидан ҳайратланаман. Тўғри, бизда ҳам халқ дostonлари бор. Лекин уларга бу даражада эътибор, қизиқиш йўқ. Мамлакатимизда дунё бахшилари ва соҳа мутахассислари жамланган бундай нуфузли халқаро фестивал ташкил этилганидан жуда хурсанд бўлдим. Албатта, бу бошқа мамлакатларга ҳам ибрат қилиб кўрсатишга арзийдиган ташаббус.

Халқаро илмий-амалий анжуман бахшичилик ва дostonчилик санъатининг ноёб намуналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, уни ёш авлод онгу шуурига чуқур синдиришдек эзгу ишларга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,
Ў.А. муҳбири.



Воҳа хунармандларидан муносиб тухфа

1 Халқаро бахшичилик санъати фестивалига бойсунлик хунармандлар ўзига хос тухфа ҳозирлади. Улар томонидан дунёда энг катта сўзана тақдим этилди.

Узунлиги 25, эни 6 метрни, ва оғирлиги эса 60 килограммни ташкил этадиган ушбу санъат намунасини йигирма нафар қўли гул чевар опти ой давомида но-зик дид ва юксак маҳорат билан яратди.

Бу каштачилик намунасини яратиш учун воҳани акс эттирувчи турли ёрқин рангдаги ўн олти килограмм ипақ сарфланди. Сўзанани тикшишда воҳага хос бўлган қадимги каштачиликнинг тўлдирма йўналишидан фойдаланилган. Алвон матога туширилган гуллар чизмасини моҳир тикувчилар 6 кун мобайнида тайёрлашди.

Сурхон миллий урф-одат ва қадриятлари ва қадимий анъаналарини ўзига мужассам этиб келётган сўзаналар халқимизнинг бой маданий мероси ҳисобланади. Халқ амалий-безак санъати турларидан бири ҳисобланган каштачилик йўналишини сақлаб қолиш, келажак авлодга етказиш барчанинг бирдек вазифаси бўлиши зарур.

Фестиваль олдидан кўпчиликка намойиш этилган ушбу сўзанани яқин кунларда Гиннесснинг рекордлар китобига киритиш учун мутахассисларни таклиф этиш режалаштирилган.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА

Термиз шаҳрида бўлиб ўтаётган 1 Халқаро бахшичилик санъати фестивали муносабати билан шаҳар эртақмонанд қиёфага кирди.

Таассуротлар катта

Барча вилоятлар, шулар қаторида, сирдарёлик иштирокчилар ҳам санъати ва маданиятини, миллий хунармандчилик кўлғамаларини, дорбозлик маҳоратларини намойиш этмоқда.

Сирдарёликлар номидан қатнашаётган ёш бахши Дилмурод Гулмуродов, Гулiston туманидаги "Сайхун йигитлари" фольклор ансамбли аъзолари, дорбоз ва хунармандлар, шоирлар ҳамда санъаткорларда ушбу тадбир катта таассурот қолдирмоқда.

– Мен ўзимни Сурхонда Алломиш ва Барчинойлар айтишувларини, овозларини эшитгангандек ҳис қилаяпман, – дейди Д. Гулмуродов. – Бу ерда нафақат янги қўшиқлар, ўланларни куйлаяпмиз, балки таниқли бахшичилик санъати усталаридан бахшичилик сирларини ўрганиш, тажириба алмашиш имкониятига ҳам эга бўляпмиз.

Ўз муҳбиримиз.

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
таркибидоғи ҳамда бошқа
дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Жамшид ХўҲАЕВ, Шавкат ХАМРОЕВ, Бақридин ЗАРИПОВ, Шухрат ТЕШАЕВ, Муҳаммадjon ТОШБОЛТАЕВ, Абдурашул АБДУЛЛАЕВ, Ақтам ХАИТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рашид СҮҲРАБ (Бош муҳаррир ўринбосари), Сухроб ЗИЕДУЛЛАЕВ (Маъсۇл котиб).

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 236-26-47, Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35, Иجتимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.
web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Худудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04

Вилоятлар:
Андижон – (+99893) 630-73-03,
Бухоро – (+99891) 401-29-59,
Жиззах – (+99893) 940-10-78,
Навоий – (+99891) 332-50-99,
Наманган – (+99893) 948-53-86,
Фарғона – (+99890) 407-76-03,
Самарқанд – (+99897) 575-50-67,
Сирдарё – (+99894) 168-23-60,
Сурхондарё – (+99890) 520-20-05,
Тошкент – (+99890) 979-39-58,
Хоразм – (+99897) 790-47-61,
Қашқадарё – (+99897) 150-28-88.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
2009 йил 13 февралда
№ 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Бюролма Г-425, Ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Манилими: 100000. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Газета таҳририятининг ўзига компьютерда терилди ва
дизайнер Марк ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.

6 838 нусхада chop этилди.
НАШР ИНДЕКСИ – 144
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 02.45

ISSN 2010-7021

7 7 2 0 1 0 7 0 2 0 7

Навбатчи муҳаррир:
А.ҲАҚБЕРДИЕВ